


# **«Ёш ҳуқуқшунослар» танловининг туман босқичи ғолиблари аниқланди**



Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, ёшлар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш мақсадида ёшлар ўртасида ўтказилаётган «**Ёш ҳуқуқшунос**» танловининг Термиз тумани босқичи бўлиб ўтди.

Бугун туман Ички ишлар бўлимида танловнинг сектор босқичида ғолибликни қўлга киритган ёшлар З та ёш тоифасида туман биринчилиги учун ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказишли.

Танловнинг туман босқичи якунларига кўра 7-13, 14-18, 19-30 ёш тоифасида беллашган ёшлар ўртасида туман ғолиблари аниқланиб, ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланиши ҳамда ёш тоифаларида биринчиликни қўлга киритган ёшлар танловнинг вилоят ҳудудий босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритишли.